

XI. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2019 йилнинг январь-июнида чакана савдо товар айланмаси 2 775,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 232,2 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,4 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 105,3 фоизни ташкил этиб, 809,1 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 29,1 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 1 733,8 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 62,5 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига)



2019 йилнинг январь-июнда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.


Давлат мулки 0,6 млрд. сўмни ёки ўтган 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,02 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 2 774,5 млрд. сўмни ёки ўтган 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,98 фоизни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Жиззах шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 27,1 фоизни ташкил этди, Зомин тумани 16,9 фоизни, Шароф Рашидов тумани 13,9 фоизни ташкил этган бўлса, Янгиобод

тумани 1,1 фоиз, Зафаробод тумани 2,3 фоиз ва Арнасой тумани 2,5 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
(фоиз ҳисобида)



**2019 йилнинг январь-июнда чакана савдо
товар айланмаси таркиби**

	Чакана савдо ҳажми, млрд. сўм	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2 775,1	107,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	232,2	161,9	8,4
кичик тадбиркорлик	2 542,9	104,1	91,6
шундан уюшмаган савдо товар айланмаси	1 733,8	103,6	62,5

2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг чакана товар айланмаси
(умумий овқатланиш ташилотларини қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	минг сўм	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида

Жиззах вилояти	2 775,1	107,3	2 042,2	105,1
-----------------------	----------------	--------------	----------------	--------------

шаҳар:

Жиззах	750,1	111,8	4 281,6	109,9
--------	-------	-------	---------	-------

туманлар:

Арнасой	69,3	104,0	1 526,5	102,6
---------	------	-------	---------	-------

Бахмал	233,4	106,0	1 522,4	103,6
--------	-------	-------	---------	-------

Ғаллаорол	220,0	104,6	1 306,5	102,6
-----------	-------	-------	---------	-------

Шароф Рашидов	386,2	105,9	1 793,2	102,9
---------------	-------	-------	---------	-------

Дўстлик	111,4	106,3	1 727,4	104,5
---------	-------	-------	---------	-------

Зомин	468,4	105,8	2 914,5	103,6
-------	-------	-------	---------	-------

Зарбдор	95,9	105,9	1 140,1	103,5
---------	------	-------	---------	-------

Зафаробод	64,9	105,9	1 321,6	104,0
-----------	------	-------	---------	-------


Мирзачўл	86,1	106,0	1 699,0	103,7
----------	------	-------	---------	-------

Пахтакор	136,6	105,2	1 866,6	103,3
----------	-------	-------	---------	-------

Фориш	123,7	107,3	1 356,0	105,8
-------	-------	-------	---------	-------


Янгиобод	29,1	104,3	1 048,8	102,4
----------	------	-------	---------	-------

**2019 йил январ- июн ойларида овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда,
чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари**
(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари, % да)




Вилоятнинг кўп ҳудудларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари кузатилди. Хусусан, юқорироқ ўсиш суръатлари Бахмал тумани (6,0 % га), Жиззах шаҳри (11,8 % га), Фориш туманида (7,3 %га), Зомин туманида (5,8 % га), Мирзачўл туманида (6,0 % га), нисбатан юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Арнасой туманида (4,0 % га), Янгиобод туманида (4,3 %га) ўсиш кузатилди.

**2019 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**




Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Жиззах шаҳрида (590,5 млрд.сўм), Шароф Рашидов туманида (385,6 млрд.сўм), Зомин туманида (458,0 млрд.сўм), Бахмал туманида (200,0 млрд.сўм) ва Ғаллаорол туманида (216,6 млрд.сўм) ни ташкил этди.

**Туманларнинг умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси
млрд. сўм, ўсиш суръати %**



Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси умумий ҳажмида юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида 24,1 млрд.сўм, Фориш тумани 8,6 млрд.сўм, Шароф Рашидов тумани 8,3 млрд.сўм, Ғаллаорол тумани 3,0 млрд.сўм, ташкил этган бўлса, Янгиобод тумани 0,1 млрд.сўм, Зафаробод тумани 0,9 млрд.сўм, ва Арнасой тумани 0,4 млрд.сўм, улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси (млн. сўм)



2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг улгуржи товар айланмаси

2019 йилнинг январь-июнь ойларида улгуржи савдо айланмаси 1 004,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 108,1 % ни ташкил қилди.


Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо айланмаси 440,1 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,3 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо айланмаси 100,8 % ни ташкил этиб, 564,3 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 56,2 % ни ташкил қилди.

Улгуржи товар айланмаси
2019 йилнинг январь-июнь ойларида

	<i>Ҳажми, (млрд. сўм)</i>	<i>жамига нисбатан, %да</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан % да</i>
Жиззах вилояти	1 004,4	100,0	108,1
<i>шаҳар:</i>			
Жиззах	368,3	36,7	98,0
<i>туманлар:</i>			
Арнасой	27,5	2,7	147,5
Бахмал	54,2	5,4	101,0
Ғаллаорол	22,5	2,2	103,9
Шароф Рашидов	134,6	13,4	110,5
Дўстлик	65,4	6,5	125,0
Зомин	81,3	8,1	102,7
Зарбдор	57,7	5,8	128,1
Зафаробод	26,5	2,6	140,4
Мирзачўл	35,3	3,5	181,5
Пахтакор	35,2	3,5	133,1
Фориш	22,8	2,3	99,8
Янгиобод	73,1	7,3	100,1

**Туманларнинг улгуржи савдо товар
айланмасидаги улуши, фоизда**



Улгуржи савдо айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан 108,1 % га ошди, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмасида 100,8 % га ўсиш кузатилиб, ҳажми 564,3 млрд.сўмни ташкил этди.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Жиззах шаҳри 36,7 %, Шароф Рашидов тумани 13,4 %, ни Зомин тумани 8,1 %, ни Янгиобод тумани 7,3 % ни ташкил этган бўлса, Ғаллаорол тумани 2,2 %, Фориш тумани 2,3 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.